



“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбек геология қидирув” АЖ
кузатув кенгашиниң
2023 йил “04” 08 даги
-сонли қарорига асрсан

“Ўзбек геология қидирув” АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимлариға
танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

Ушбу намунавий низом давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органининг раҳбарлик лавозимлариға танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш ва танлаб олиш тартибини белгилайди.

1. Ушбу намунавий низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат иштирокидаги корхоналар – устав фонди (устав капитали) даги давлат улуши миқдори эллик фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамияти ёхуд устав фонди (устав капитали) даги давлат улуши миқдори хўжалик жамиятининг бошқа ҳар бир акциядори (иштирокчи) улушкига нисбатан кўп бўлган хўжалик жамияти, шунингдек давлат унитар корхонаси;

ижроия органининг раҳбарлик лавозимлари – давлат иштирокидаги корхоналарнинг раҳбари (бошқарув раиси, бош директори, директори) ва унинг ўринbosарлари (бошқарув раиси ўринbosарлари, бош директор ўринbosарлари, директор ўринbosарлари, ўринbosарликка тенглаштирилган лавозимлар, маслаҳатчилар ёки давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи ваколати доирасида ишга қабул қилинмайдиган лавозимлар);

ваколатли давлат органи – давлат иштирокидаги корхоналарда давлат номидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) хуқуқлари ва функцияларини амалга оширувчи Давактив агентлиги, маҳсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

номзодларни саралаш ва танлаб олиш – оммавий ахборот воситаларида (камид 1 та маҳаллий, камид 1 та Республика миқёсидаги, корпоратив ахборот ягона портали (АЖлар учун) „openinfo.uz”), Давактив агентлиги веб-сайтида (танловни ўтказиш Давактив агентлиги томонидан эълон қилинган бўлса) ва корхонанинг веб-сайтида (танловни ўтказиш корхонанинг кузатув кенгаши томонидан эълон қилинган бўлса) тегишли эълон бериш орқали ёки номзодларни қидириб топишга ихтисослашган ташкилотларни жалб этган ҳолда корхонада ёки ваколатли давлат органида шакллантирилган номзодлар захирасидан белгиланган мезонлар асосида энг мақбул номзодларни танлаб олиш тизими;

номзодларни саралаш ва танлаб олиш комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) – давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи раҳбарлик лавозимлариға номзодларни саралаб олиш учун кузатув кенгаши аъзоларидан,

кузатув кенгashi ташкил қилинмаган ҳолларда давлат номидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) ҳукуқлари ва функцияларини амалга оширувчи Давактив агентлиги (махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) нинг камидаги 3 нафар ва қўпи билан 7 нафардан ошмаган тоқ таркибдаги малакали ходимларидан иборат танлов комиссияси;

“хедхантер” ташкилотлари – иш берувчи номидан иш берувчининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори малакали ва тажрибали ходимларни топиш хизматларини кўрсатадиган ташкилот (фирма, корхона ва бошқа ҳукукий-ташкилий шаклдаги субект).

2. Мазкур низомнинг мақсади давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига ушбу низом билан белгиланадиган мезонларга асосан энг мақбул номзодларни танлов асосида саралаб олишга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир давлат иштирокидаги корхона учун алоҳида тасдиқланади ва корхона фаолият йўналишидан келиб чиқиб, унинг нормаларига амалдаги қонунчилик талабларига зид бўлмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Ижроия органининг раҳбарлик лавозимлари таркибига номзодларни саралаш ва танлаб олиш ижроия органи раҳбарлик лавозимларининг ваколатларини муддатидан аввал туттилиши натижасида юзага келадиган бўш (вакант) раҳбарлик лавозимлари ёки мавжуд бўш (вакант) раҳбарлик лавозимлари учун амалга оширилади.

4. Саралаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

шаффофлик – веб-сайтда ва (ёки) оммавий ахборот воситаларида, шунингдек қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбаларда тегишли эълонлар, бўш ўринлар, саралаш сиёсати, тартиблари, мезонлари ва саралаш жараёнининг натижалари ҳақида маълумотларни чоп этиш;

тenglik – саралашда иштирок этадиган барча номзодларга бир хил шартшароитлар яратиш;

ракобат – саралаш жараёни очик ва тўғри ракобатга асосланган бўлиши;

мустақиллик – саралаш жараёни ҳар қандай сиёсий ва маъмурий аралашув ёки бошқа ташкил тасирлардан ҳоли ва мустақил амалга ошириш.

2-боб. Номзодларни саралаш ва танлаб олиш тартиби ва босқичлари

5. Комиссия таркиби давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгashi ёки кузатув кенгashi мавжуд бўлмаган ҳолларда ваколатли давлат органи қарори/буйруғи билан тасдиқланади. Бунда, комиссия таркибига халқаро молия институтлари эксперталари, консалтинг компаниялар илмий ходимлари ва эксперталари, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналарнинг фолият йўналишидан келиб чиқиб соҳа мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

6. Комиссия қарори ўрнатилган тартибда мажлисда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Бунда, комиссия мажлисини ўтказиш учун кворум унинг жами аъзоларининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Комиссиянинг барча ҳужжатлари жамиятнинг кадрлар билан ишлаш бўлинмасида, агарда танлов ваколатли давлат органи томонидан ўтказилса, белгиланган тартибда ваколатли давлат органининг тегишли бўлинмасида сақланади.

7. Номзодларни саралаш ва танлаб олиш жараёни жамиятда ижроия органи раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бориш истагида бўлган ҳар қандай шахслар учун очикдир.

8. Жинси, тили, миллати, фуқаролиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар қандай шахс саралашда белгиланган тартибда иштирок этиш учун ариза топшириш хуқуқига эга, суд қарорлари билан мансаб лавозимларни эгаллаши чекланган шахслар бундан мустасно.

9. Саралаш номзодлар томонидан тақдим этиладиган, шунингдек қонунчиликда таъкиқланмаган бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилади.

10. Жамият ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби ушбу намунавий низомга **1-иловада** келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Жамият ижроия органи раҳбарлик лавозимлари таркибида содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги ҳамда мавжуд бўш раҳбарлик лавозимлари тўғрисидаги маълумотларни ушбу ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичida Давактив агентлигини хабардор қилиши шарт.

Ўзгаришлар содир бўлган сана сифатида ижро органининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида ва/ёки уларнинг таркибига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида кузатув кенгаши мажлиси, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғиилиши ёки мулкдор (муассис) қарори қабул қилинган сана ҳисобланади.

12. Комиссия номзодларга малака талабларини ва лавозим тавсифини белгилаган ҳолда мавжуд бўш раҳбарлик лавозимларини ёки амалдаги раҳбарлик лавозимларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш натижасида бўшайдиган раҳбарлик лавозимлари рўйхатини тасдиқлайди.

13. Жамият кузатув кенгаши ёки ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган бўш раҳбарлик лавозимлар ёки амалдаги раҳбарлик лавозимларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш натижасида бўшайдиган раҳбарлик лавозимлари рўйхатини корхона веб-сайтига жойлаштиради.

14. Комиссия номзодларни излаш чораларини кўради, бунда номзодларни излаш қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда амалга оширилади:

веб-сайтлар ва оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар бериш;

номзодларни излаб топишга ихтисослашган консалтинг ва (ёки) юқори малакали мутахассисларни ва раҳбар кадрларни қидириш ва ёллаш билан шуғулланувчи махеус “хедхантар” ташкилотларини жалб этиш орқали.

15. Номзодлар комиссияга танлов эълон қилинган санадан бошлаб эълонда белгиланган талаблар доирасида ўзи ҳақидаги барча ҳужжат ва маълумотларни ёпик (маҳсус) конвертларда тақдим этади. Танлов шартлари, номзодларга қўйилган талаблар, номзодлар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати эълонда кўрсатилиши лозим.

16. Комиссия томонидан номзодларни қидириш якунланганидан сўнг, номзодлар томонидан тақдим этилган ўзларига тегишли бўлган хужжат ва маълумотлар ушбу намунавий низомнинг **2-иловасига** мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Жамият фаолиятидан келиб чиқиб, комиссия томонидан баҳолаш мезонларига ўзгартиришлар киритилиши ёки қўшимча мезонлар белгиланиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун 1 нафар номзоддан аризалар келиб тушган тақдирда, комиссия қайтадан номзодларни излаш чораларини кўради. Кетма-кет 3-марта номзодларни излаш бўйича танлов эълон қилингандан сўнг, 1 нафардан ортиқ номзоддан аризалар келиб тушмаса, комиссия ариза берган номзодни вакътинчалик сайлаб туриш бўйича тавсия беришга ҳақли.

17. Комиссия танлов жараёнларини икки босқичда амалга ошириши мумкин.

Биринчи босқичда комиссия номзодларни улар томонидан тақдим этилган хужжат ва маълумотлар, шунингдек қўшимча манбаа ва ўрганишлардан олинган маълумотлар асосида баҳолайди, баҳолаш натижалари ва номзоднинг аризалари (ёпиқ конверт) ни очиш жараёнидаги иштироки пайтидаги қисқа фикрлари, таклифлари ва режаларидан келиб чиқиб, номзодлар ичидан сухбат босқичига номзодлар саралаб олинади.

Иккинчи босқичда комиссия саралаб олинган номзодлар ичидан битта номзодни танлаш учун сухбат ўtkазилади.

18. Баҳолаш натижаларига кўра, комиссия бўш раҳбарлик лавозимлари учун энг юқори балл тўплаган номзодлар ичидан саралаш асосида қисқа рўйхатни (шорт лист) тузади. Саралаш жараённада номзодларнинг энг юқори балл тўплаганлиги, салбий хulosалар йўклиги, танлов шартлари ва номзодларга қуйилган талабларга мос келиши инобатга олинади.

Тузилган қисқа рўйхат (шорт лист)да ҳар бир бўш раҳбарлик лавозимларига номзодлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.

19. Тузилган қисқа рўйхат (шорт лист) асосида комиссия томонидан номзодлар билан сухбат ўtkазилади.

Комиссия томонидан номзодлар сухбатга сухбат бўлиб ўтиши белгиланган кундан камида бир иш куни олдин номзодларнинг алоқа рақамларига қўнғироқ қилиш ёки электрон почтасига хабарнома (хат) юбориш орқали хабардор қилинади.

Комиссия томонидан сухбат давомида низомнинг **3-иловасига** номзоднинг касбий билим ва кўникмалари баҳоланади.

Сухбат томонлар келишувига кўра ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда видеоконференция алоқаси орқали ўтказилиши ҳам мумкин. Номзод сухбатдан ўтишдан бош тортса ёки сухбатга келмаса, у танловнинг кейинги босқичларида иштирок эта олмайди.

Сухбат натижаларидан келиб чиқиб, энг юқори балл тўплаган номзодлар рўйхати (шорт лист)га тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

20. Комиссия энг юқори балл тўплаган номзодлар қисқа рўйхати (шорт лист)дан ҳар бир бўш раҳбарлик лавозимларига энг муносиб битта номзодни танлаш тўғрисида қарор қабул қиласи ва тасдиқлаш учун акциядор (таъсисчи)лар умумий

йиғилишига (тасдиқлаш ваколати кузатув кенгашида бўлса кузатув кенгашига) киритади.

Комиссия томонидан баҳолаш натижалари ва сұхбат яқунлари бўйича баённома расмийлаштирилади. Заруратга кўра, баҳолаш натижалари ва сұхбат яқунлари бўйича алоҳида баённома расмийлаштирилиши ҳам мумкин.

21. Танланган муносиб номзодни тасдиқлаш учун акциядор (таъсисчи)лар умумий йиғилишига киритилганда ваколатли давлат органини хабардор қилиниши ва тегишли кўрсатма олиниши шарт.

22. Жамият ваколатли давлат органидан номзодлар бўйича кўрсатма олгандан сўнг, қонунчиликда белгиланган муддатда ушбу номзодларни ижроия органининг раҳбарлик лавзимларига сайлаш (тайинлаш) бўйича корпоратив қарорлар қабул қилинишини ташкиллаштиради.

23. Мазкур низомда белгиланган муддатда номзодлардан ёки номзодларни излаш билан шуғулланадиган ташкилотлардан етарлича таклифлар келиб тушмаса, комиссия бу тўғрисида икки иш куни ичидаги ваколатли органини хабардор қилиши шарт.

Ушбу ҳолатда ваколатли давлат органи комиссия томонидан номзодлар мазкур намунавий низом талабларига асосан саралаб олингунинг қадар мавжуд номзодлар захирасидан маъқул келадиган номзодларни мустақил равишда танлаб олиши мумкин.

3-боб. Номзодларга қўйиладиган талаблар

24. Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:

олий маълумоти бўлмаган шахслар;

раҳбарлик лавозимида камида икки йил иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар (ушбу муддат комиссия томонидан давлат иштирокидаги корхонанинг хусусияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб кўпроқ ёки камрок этиб белгиланиши мумкин);

ушбу шахслар айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли, кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни бекор қилиш пайтида бундай шахслар якка ижроия органи вазифасини бажараётган бўлса ёки коллегиал ижроия органи таркибига кирса ёки юридик шахс таъсисчилари хисобланса ва бундай лицензияни бекор қилгандан уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;

иктисодиёт соҳасида ёки бошқарув тартибида қарши жиноят содир этганлиги сабабли судланганлик ҳолати тугалланмаган бўлса, шунингдек коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестрига киритилган бўлса;

суд хукмига биноан муайян лавозимда ишлаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилинган шахс;

бундай шахс банкрот этиб топилган пайтда юридик шахснинг якка ижроия орган вазифасини бажарган ёки коллегиал ижроия органи таркибига кирган бўлса ва уни банкрот деб топган пайтдан хали икки йил ўтмаган бўлса.

25. Ваколатли давлат органи ва/ёки комиссия томонидан корхона фаолиятидан келиб чиқиб, қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

4. Саралаш жараёнида номзодларни баҳолаш

26. Комиссия номзодларнинг қўйидаги хусусиятларини баҳолайди:
 касбий билим-кўникмаларини;
 иш тажрибасини;
 манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини;
 номзоднинг ёки давлат иштирокидаги корхонанинг манфаатларига салбий
 таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатларни.

27. Баҳолаш номзодлар томонидан тақдим этилган, шунингдек қўшимча
 манбалардан олинган маълумотлар ҳамда сұхбат натижалари асосида амалга
 оширилади.

28. Номзодларни танлашда ҳорижий корхоналар ва халқаро ташкилотларда иш
 тажрибасига эга бўлган номзодларга устунлик берилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29. Номзодлар тақдим этган маълумотларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун
 масъул ҳисобланади.

30. Мазкур низом талаблари бажарилиши устидан назорат кузатув кенгashi
 томонидан амалга оширилади.

31. Мазкур низом талаблари бузилишида айбдор шахслар конунчилликда
 белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.